

**Вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов
Олимпия ўйинлари учун лицензион турнирга тайёргарлик масаласини
юзасидан ўтказилган муҳокамада иштирок этди**

Жорий йилнинг 29 февраль куни Ўзбекистон таэквондо ассосиациясида Олимпия ўйинлари учун лицензион турнирга тайёргарлик масаласини юзасидан муҳокама ўтказилди.



Унда спорт вазири ўринбосари Шахрулло Маҳмудов, Миллий Олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов ва бошқа масъуллар иштирок этишди.



Миллий терма жамоа мураббийлар штаби билан бўлган суҳбатда спортчиларнинг яқинлашиб келаётган лицензион мусобақа учун тайёргарлик жараёнлари билан танишилди ва уларга ушбу лицензион мусобақада юқори натижалар қайд этиш йўлида керакли кўрсатмалар берилди.